

17-aprel  
2025-yil 15 (1 117)



O'ZLIDEP



# XXI ASR

I J T I M O I Y - S I Y O S I Y G A Z E T A S I

21asr.uz

@XXIasr\_yangiliklari

asrgazetası

XXI\_asr@mail.ru

xxiasrgazetası

XXIasrgazetası

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Ҳаёт ҳикмати

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Биз бошлаган ислоҳотлар, бу – фақат рақамлар ёки ҳисоботлар эмас. Бу – ҳар бир оила, ҳар инсон ҳаётида сезиладиган, фаровонлик ва тараққиёт сари йўналтирилган ҳақиқий ўзгаришлардир.



О'зЛиДЕРДА ДАВРА СУХБАТИ

## ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОН БЎЛСА... ҲАЁТИМИЗ ҲАМ ФАРОВОН БЎЛИБ БОРАВЕРАДИ

Бугун исталган даврага кирсангиз, мамлакатимизда автомобиллар сони кун сайин кўпайиб бораётгани, деярли ҳар бир оиласда камида биттадан улов борлиги, бу албатта аҳолининг турмуш фаровонлиги ортаётгани, қолаверса, талабга яраша йўлларимиз ҳам равон бўлаётгани муҳокама мавзусига айланади. Лекин бу соҳадаги имкониятлар тобора кенгайиши баробарида, йўллар ва транспорт ҳаракати хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ муаммоларга ҳам босқичма-босқич ечимлар изланаётгани аниқ. Табиийки, йўл қуриш, таъминалаш баробарида транспортлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб масаладир. Ҳақли саволлар туғилиши

табийи: хўш, таъмирталаб йўллар қачон тузатилади? Ёки йўл транспорт ҳодисаларининг йил сайин камайиш ўрнига ошиб бораётгани сабаблари тахлил қилинганда қандай омиллар бирламчи роль ўйнамоқда? Нега ҳайдовчилар ўргасида қидабузарлик ҳолатлари камайиш ўрнига ортиб бораётир? Йўловчи ва ҳайдовчи маданияти шаклланиши учун яна қанча муддат керак?

О'зЛиДЕР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўtkазилган давра сұхбатида шу ва шу каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

2

ЕВРОПА ИТИФОҚИ ТАЖРИБАСИ  
Марказий Осиё интеграцияси  
учун муҳим асос

3.



“Ишбилармон  
аёл – 2025”

4.



**O'zLiDeP тизимидағи  
жами 16 137 та  
бошланғич партия  
ташкилотининг  
барчасида  
ҳисобот сайловлари  
ўтказилди, улардан  
14 631 БПТда  
етакчилар қайта  
сайланган бўлса,  
1 506 тасида  
раислар ўзгарди.**

4

**“XXI asr”** ijtimoiy-siyosiy gazetası

**БИЛАН  
БИРГА  
БЎЛИНГ!**

Обуна индекси - 406  
Мурожаат учун телефон:  
**71 255 68 50**

ПОЛВОНЛАРдан  
ПОЛВОНлар  
ТУГИЛАРМИКАН?!

6.







# ЖАМИЯТ

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАЖРИБАСИ

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯСИ УЧУН МУХИМ АСОС

МУНОСАБАТ

Дунёнинг деярли барча минтақаларида интеграцион жараёнлар у ёки бу шаклда кечеётган бўлса-да, бирок бу йўлдада уринишлар муйян кийинчиликларга дуч келмоқда ва жуда чекланган натижаларга эришилмоқда. Шу ўринда Марказий Осиё давлатлари учун Европа Иттифоқининг яратилиш тажрибаси ўзига хос ноёб эксперимент дейиш мумкин.

Хар доим иқтисодий жараёнлар сиёсий омиллар билан узвий алоқадорликда тараккүй этган. Шунинг учун молиявий-иктисодий кооперацияга кириши билан бирга сиёсий иттифок тузиш масаласи Европа интеграцияси мағкурачилари ва сиёсатчилари олдида турган долзар масаласи бўйл келган. Европа давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ягона ижтимоий-сиёсий тизимга бирлашиши фоёз Рим шартномалари имзоланишидан анча олдин пайдо бўлган. XX аср бошлирида Европа Кўшма Штатлари (ЕКШ) ни тузиш борасида жиддий муҳокамалар олиб борилган. Пан-Европа ҳаракатининг асосчилирдан бирни австриялик С. Калерги 1923 йилда ЕКШ фоёзини амалга ошириш борасида ташаббус билан чиқади. Орадан бирор вақт ўтган, 1929 йили Франция ташкишларни тузиш таклифини илгари сурдади. Китъада фашизмнинг тарқалиши ва Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бу фояни амалга оширишга имкон қолдирмаган бўлса-да, ундан бутунлай воз кечилди. Хотто 1941 йили Вентотене оролига сургун қилинган А. Спинелли ва Э. Росси Федерализм манифестиини тайёрлаша ва тарқатишига муввафқ бўлади. Улар ҳалқаро анахиянинг олдини олиш ва Европада эркинлики саклаш учун минтақанинг барча ҳалқлари манфаатларини кўзлаб, давлатларининг суврен хукуқларини бир кисмиси федерал даражага ўтказилидаги Европа Федерациясини тузишга чакирилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа амалда иккита лагерга: сиёсий жаҳдатдан АҚШ майол бўлган Гарбий Европа ҳамда социалистик лагерга кирган Шарқий Европага бўлинади. Германия ҳам иккига ахралган эди. Иккинчи жаҳон уруши эса, ўз навбатида, социализм ва капитализм тизимларини ўртасидаги сиёсий ва мағкуравий қарама-қаршилик, тегиши равишда ССРВ ва АҚШ томонидан бошқариладиган "совуқ, уруши" билан алмаштирилган эди. Бундай шароитда Гарбий Европада сиёсий интеграция истаги кучая борди. Урушдан кейинги жараёнда интеграция "Атлантика бирдамлиги" тамойилига асосланган шаклда ривожланди.

Европада сиёсий интеграция осонгина амалга оширилди, деб айтил олмаймиз. Даставал мемлакатлар интеграция вазифаларини турли тушунган ва турлича ҳарарат қўлган. Масалан, Буюк Британия гарчи Европа бирлигига қарши бўлмасда-да, миллий сувренитетни чегаралайдиган ҳар қандай ҳалқаро тузилмаларни яратишга тайёр эмас эди. Скандинавия мемлакатлари ҳам ўзларини изоляция қилиши-

га ва қарама-қаршиликлардан четга тортишга ҳарарат қўлди. Европа жанубида, Испания ва Португалияда диктаторлик режимлари мавжуд эди. Грекияда сиёсий бекарорлик шароитда коммунистик кучларнинг таъсiri тобора ошиб борди. Шу боис урушдан кейинги даврда Европа мемлакатларининг бирлашишига интифоҳларни бир-бири билан боғлиқ бўлмаган ҳалқаро ташкилотларни яратиш орқали рўёбга чиқди.

1949 йили сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш учун Европа Кенгаши ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилот минтақада федерация ёки иттифок тузишни мақсад қилмади ва иштирокчи мамлакатларнинг суверенитетига дахл этмади. Аммо Европа федерализми тараффорларининг асосий консультатив ва мунозара клубига айланга борди.

Сиёсий интеграция ривожланишининг янги босқичи 1951 йили Европа кўмір ва пўлат ташкилот ташкил топшиши ва 1957 йили Европа ҳамда Европа иқтисодий ҳамхамиятини ташкил этиш бўйича Рим битимларининг имзоланиши билан боғлиқди. Ҳукуқий нұктан назардан ҳар учала ташкилот ҳамон мустақил фаoliyatining давом эттирилди. Бирор сиёсий вожелик нұктан назаридан улаш бир бутун бўлиб аввал Европа ҳамхамияти деб номланган, 1993 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи (ЕИ) айлантирилган тизимнинг тамал тошини қўйган эди. Европа Иттифоқининг ўзига хос хусусияти ҳалқаро ҳокимият органларининг яратилиши ва аъзо давлатлар ўз суверенитетининг бир қисмидан иктиёрий равишида воз кечиши бўлди.

Айнан иқтисодий интеграция сиёсий бирлашма учун шароитларни босқичма-босқич шакллантириш жаҳадинида ҳаққий ва мустаҳкам пойдевор бўйиб хизмат қўлди. 1980 йиллар охирига келиб, ЕИ мемлакатларни сезимларни ютуқларга еришиди. Минтақавий органларнинг янги тизими яратилиши ва мувфақиятли фаoliyati кўrsatishida бошлаши. Иттифоқ таркиби 6 тадан 12 тагача кенгайтирилди, ички ва ташкил сиёсатни юқори даражада мувфақлаштиришга ўршилди.

Янги босқичда 1991 йил Маастрихт шартномаси ва 1993 йил Европа Иттифоқи шартномаси сиёсий интеграцияни жадаллаштириди. Ҳозирга қадар 27 та аъзо-давлатни қамраб олди. Бундай ташкири, уни янада кенгайтириш масаласи кун тартибida туриди. Туркия, Украина, Молдова, Грузия каби мемлакатлар евроинтеграцияни иштимоқда.

Европа Иттифоқининг кенгайтиши миқдорий масала эмас, балки сифат, сиёсий масладидир. Бу ҳалқаро геосиёсий вазиятни тубдан



ўзгартирди, дунёда кучлар мувозанатига сезиларни даражада таъсир ўтказди. Бир томондан, сабиқ социалистик лагернинг иқтисодий ва сиёсий маконини қайta кўриб чиқиши ҳамда Россиянинг ҳалқаро таъсир доираси тарайиб бориши, иккинчи томондан эса, дунёнинг глобаллашуви ва интеграцияшвида ЕИ кўп векторли ҳалқаро муносабатлар шаклланишида ўзига хос ижобий роль ўйнай бошлашида

батта. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Баш Ассамблеясининг 72-сессиясида: "Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташкил сиёсатида Марказий Осиё миңтақасига устувор аҳамият қарашмоқда. Бу – ҳар томонлома чукур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг юқори маказида жойлашган ўзбекистон шубъ минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшичиллик худудига айланнишдан бевосита мағафатдордир... Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққиёт этган Марказий Осиё – биз интилайдиган энг мухим мақсад ва асосий вазифадир", дега таъкидлаган эди. Бу ўзбекистон Марказий Осиё миңтақаси учун мусвиятни ўз зиммасига олганидан далолат беради. Айнан шу минбандар турбид, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббусининг илгари сурисилини ҳам мухим тарихий вожелик бўлди.

Кейинги пайтада Марказий Осиёда кечеётган геосиёсий ва геоиқтисодий жаҳаёнларда миңтақавий ҳамкорлик ва сиёсий интеграцияга итилиш тенденциялари кузатилмоқда. Бу интеграция фақатгина ҳукumatlar дарасида бўлиб қолмасдан, ўзида маданий, маърифий, диний, интеллектуал ва бошқа салоҳиятларни қамраб олган фуқаролик жамияти асосида ҳам кечиши мухим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё давлатлари интеграциясида, энг аввало, Европа Иттифоқи таҳриси синни диккат билан ўрганиш, таҳлил килиш ва ижобий ютуқларидан фойдаланиш зарур. Бу борада кенг жамоатчилик фикрига таънган ҳолда қабул қилинган минтақавий ҳамкорлик ва интеграцияни жадаллаштиришга қараштаган умумий стратегия ва уни амалий татбиқ қилиш борасида "йўл ҳаритаси"ни ишлаб чиқиш мақсадига мувофиқ. Жаҳонда кечеётган мурakkab геосиёсий жараёнлар, хавфсизликка таҳ-

дид ва глобал иқтисодий инқиroz шароитида Марказий Осиё давлатлари очик ва прагматик ташки сиёсат олиб бориши, ҳалқаро майдондаги қатъий сай-ҳаракатлар натижасида нафоқат миллий, балки бутун минтақамизнинг нуфузи ва обрў-эътиборини ошириш талаб этилади. Энг мухим жиҳати, Марказий Осиё давлатларининг ҳалқаро даражада индивидуал эмас, балки жамоавий шаклда иштироқини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу маънода жорий йилнинг 3-4 апрель кунлари давлатимиз раҳбари раислигидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Келажакка инвестициялар" широби остида "Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи" биринчи саммити, му болағисиз айтиш керакки, Янги Ўзбекистоннинг ҳалқаро муносабатлар тарихида ўзига хос янги бир саҳифани очиб берди. Таъкидлаш керакки, ушбу анкуман, энг аввало, бугунги глобал даврда минтақа давлатларининг ҳалқаро майдонда йирик иқтисодий ва молиявий институт сифатида тан олинаётган Европа Иттифоқи билан катор соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилиши шубҳасиз. Шунингдек, Буюк Йўлий чорраҳасида жойлашган қадим Самарқандда бўлиб ўтган бу тадбир дунё миқесидан ҳар тарафлама улкан салоҳиятга эга бўлган иккита минтақа ўтрасида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жараёнларни қамраб олувчи курдатли кўпrik вазифасини ҳам ўтайди деб ишонамиз.

Дарвоҷе, Президентимиз таъбири билан айтганда, Марказий Осиё энди тарихнинг че-тида эмас, балки ўз стратегик кун тартибни шакллантираётган, жадал ривожланадиган минтақа айланмоқда. Сиёсий ироди, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва кўшма иқтисодий ташаббуслар миңтақада барқарорлик яратади. Катта ўзаро ишонч учун янги имкониятлар яратди. Катта ўзаро ишончлар олдинда кутиб туриди.



Санжар САЙДОВ,  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети "Сиёсий фанлар"  
кафедраси мудири,  
сиёсий фанлар доктори

“ЯШИЛ МАКОН”

# Қадим Самарқанд гуллаб-жинайберади

Самарқанд азал-азалдан дунёнигоҳидаги қадим шаҳарлардан бири бўлгани учун ҳам етти иқлимдан сайдёхлар кўп келади. Мехмонлар шаҳарининг нафоқат тарихий обидаларни осори-атиқаларини, балки замонавий қўйғасини ҳам хотиграсида мурхабет кетади. Шундай экан, машҳур кентнинг тоза ва озодалиги, сўлим табиити мусафолигини сақлаб қолиш максадида давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилмоқда ҳамда бу хайрли ишга дахлдор соҳа вакиллари зинмасига масъулиятли вазифалар юқлатилган.



Албатта, бунда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг ҳиссаси катта. Бошқарма балансида 4,9 минг метр квадрат майдон бўлиб, шунданда 7 028 минг тул дарахт, 18 621 минг метр кв. майсаҳор, 5 141,7 минг метр кв. пидёлар йўллари, 1 190 км ичкӣ йўллар, 2 та сийлогоҳ, 42 та фаворда, 2 та дренаж хўжалиги, 40 та қабристон ва 32 мингта ёртиш нуқтаги ларига хизмат кўрсатилимокда. 1 645 нафар ишчи ҳамиси беминнат меҳнат килишимоқда.

Шаҳар кўчалари ва хиёбонларига экила-диган гуллар бошқарма балансидаги иссиқ-хонада етиширилди. Айни баҳорда ҳам 80

мингта дарахт кўчатлари ўтказилди. 33,8 минг метр квадрат майдон майсаҳорга айлантирилди. 20,5 минг км сугориш тизими ва 8 та кудук ўрнатилиди. Ўтган даврда 12 та сугориш қудуғи ва 6,5 км сугориш тизими янгитдан курилди. Мавжуд 8 та кудук ва 7,1 гектар майдоннинг сугориш тизими таъмирланди.

Шаҳар кўркига кўркабоштадан бошқарма тизимига қарашли фаворалар, артезиан кудуклари ва дренаж хўжалигидан фойдаланади. Булимида бўлимидан фаoliyati юритаётган 75 нафар ишчи хизмати хусусида алоҳида тўхтатмоқ жоиз. Чунки улар томонидан йий давомида бу тизимга тегиши барча носозликлар барта-

## ТЎРТ ФАСЛДА ҲАМ

шакллаб-жинайберади

шакл кўчаларида жами 1 570 та замонавий кўч ё электр ёртигичлари ўрнатилгани сабабли ойига 70,7 минг кв/ватт электр энергияси тежаб қолиняпти. Дарахт ва буталарга ўз вақтида шакл берилди, ҳавони тозаловчи дарахтлар экilmokda, ноконуний кесиб кетилишлар олини майдонда. Мавжуд куч ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, кўл меҳнатини камайтириш максадидаги марказий кўчаларни техникалар ёрдамида супуриб-сидириш йўлга кўйилди. Олдинлар 6,5 гектар майдон кўл меҳнати ва техника ёрдамида сугорилган бўлса, бугунги кунда жараён тўлиқ янги тизимга ўтди. Жорий йилда ҳам бу борада аниқ режалар белгилана-

ниб, амалий ишлар бошлаб юборилган. 2025 йилги "Яшил макон" миллий лойиҳаси дастури бўйича 130 минг дона дарахт ва буталар экилиши режалаштирилган.

Бир суз билан айтганда, кўхна ва навқирион шаҳримизнинг тўрт фаслда ҳам ободлиги, гуллаб-жинайши йўлида баҳоли курдат камтарин мөхнатимиз сингаётганидан беҳад манумиз.

Юнус БОБОНАЗАРОВ,  
Самарқанд шаҳар ҳокимлиги  
ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи



# РАДАРЛАР ВА ХАТАРЛАР ОРАЛИГИДА

## КЕЧАЁТГАН ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТЛАНГАНМИ?!

Биласиз, ҳозирда инжимои тармоқларда энг күп мухомама-бахсларга сабаб бўлаётган мавзу, бу йўлларда автотранспортлар ҳаракатини назоратга олиш, тартибига солиш учун ўрнатилган радарлар эканлиги сир эмас. Худонинг берган куни турии ОАВ ҳамда интернетдаги сайти ботлардан тортиб, телеграмм каналларигача шундай мазмундаги постлар, видеохабарлар тарқалиб ётибди. “Дам олиш кунлари водийга бориб келдим, ортимдан ўн иккита йўл ҳаракати қоидасини бузганим ҳакида хабар келди” ёки “Бир ойда ўттиз етти марта радарга тушиман. Киракашликдан топаётган арзимаган пул ҳам жарималардан ортмаяти”, “Анави қайрилишида радарга тушиман, видеорегистраторда кўрининг, шу тўғрими?” ва ҳоказо...

Мақоламида айрим ҳайдовчиларнинг инжимои тармоқларда радар ўрнатган тадбиркорлар шавнига айтиётган аччиқ-нордонги ҳақоратларини келтириб ўтирамиз. Акс садо билдирилган ҳаволаларнинг аксарияти факат норозилик билан тўлган. Ачинчали томони шундаки, бу каби муносабатларнинг табийи равишда фуқароларда йўлларга ўрнатилган радар камералар ва уларнинг эгалари гаисидан ҳаракат ғазаб ўйғотига қаратилганидир...

Кечагина интернетдаги тарқалган бошқа бир кўнгилчисиз воқеа тафсилоти янада хавотири: Андикон шаҳар Ички ишлар бошқармаси берган маълумотта кўра, 1976 йилда туғилган М.С. шаҳардаги 29 таorraхара ўрнатилган 52 та радар камерасига пневматик митлиқдан ўқ отиб, уларни ишдан чиқарган ва унга нисбатан жинои иш очилиб, тергро ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ушбу хатти-ҳаракат бўйича ўтказилган суд-товаршунослик экспертизасининг хуносасига кўра, фуқаро жами 1 миллион 147 миллион сўм моддий зарар етказгани аниқланган...

Тасаввур қилипсизим, кечаки кўзим тушди, инжимои тармоқда ўша одам жамоатчиликка мурожаат қилиб, тушгаям кирмаган шунча пулни энди қаердан олишини билмаётгани ва юртодшларимиздан унга моддий кўмак кўрсатиши ўтини сўраётир. “Барака топтур, қилғилини қилиб кўйиб, энди кўзини очилдими, тўлисирадар камерада ниша айб, энди бефойда ҳаммаси, жабрини тортасан-да”, дейишдид ўзга чорамиз йўк!

Энди мавзу тафсилотини обдан ёртмоқ учун бир зум ортга қайтайлик: эсингизда бўлса, мустақилликдан кейинги ўн йилликларда ҳам фуқароларимиз илқида енгил машиналар сони жуда кам эди. Борлари ҳам собиқ шўролар давридаги ишлаб чиқарилган эски русумдаги автоуловлар эди, тўғрими? Ниҳоят Асакада автомобиль заводи курилиб, вилоятларда ҳам филиаллари очилгач, асосийси, ахолининг енгил машиналарга бўйлган талаб ва эҳтиёжлари рекорд даражада ўсиб бориши оқибатидаги сўнгти ўн йилда уловлар сони дебори беш баробарга кўлпайди.

Аникланишича, ҳозирги кунда фуқароларимизда уч ярим миллиондан ортиқ енгил машиналар бор экан. Корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларга тегиши турли русларни юк ташиш ва бошқа хизматларга мўжталланган машиналар эса бу ҳисобга кирмайди. Бундан ташқари, теникс ва рабон автомобили йўллари барпо қилинди. Аввалинлари ўйдим-чукурлардан иборат тупрок, йўлларнинг каттагина қисми асфалтланди, хатто маҳаллаларнинг ичкни йўлларига ҳам қўм-шагал аралашмаси тўшалиб, транспорт ҳаракати учун имкон қадар етарли шароитлар яратилди. Узимизда ишлаб чиқарилётган ҳамда четдаги келтирилаётган замонавий енгил машиналарнинг ҳаракатланиши тезлиги жуда юқори, яъни сотувчи-дилерлар миқозларни “Олти сонияда юз километр соат тезлика чиқади”, деган соҳта рекламалар билан қизитириб қўйганиларни ҳам рост. Худди ана шу муддат оралашни йўллардаги транспортлар ҳаракат хавфсизлигини назорат қилидиган тизим – йўл-патрулъ хизмати (ИПХ) ходимлари сонида ўзгариш бўлмади. Колаверса, йўл-патрулъ хизмати ходимлари барча йўлларни бир вақтнинг ўзида назорат қилиши имконига эга эмас ҳам. Улар белгиланган вақтда ўзларига тегиши тартибида биринчирилган худудда назорат ишлари олиб боришида, холос.

Енгил автомашиналарнинг кескин кўпайгани, уларнинг тезлиги юқори экани сабаб йўллarda ўлим билан бофлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ошиб кетиши (уч йил олдин бу аянчли рақам бутун бир маҳалла аҳли сони билан тенг



рўй бермади...

Ўйлайманки, бундай хатарли жойлар юртимизда кам эмас.

Айниқса, мактаблар ҳамда мактабгача таълим ташкитларни яқинидаги йўл бўйларига ўрнатилган радар камералар шу маънода инсон ҳаёти учун ғоят қадри. Ахли доношлар айтганидек, “Бу дунё бир гўдакнинг кўз ёшига арзмайди”.

Яқинда Тошкентдан Хоразмга қайтишимда темир йўл вокзалига бориш учун “Яндекс” такси чақирдим. Ёшгина ҳайдовчи ийтгай йўл бўйи ёзигириб қоди: “Аввал автобус ҳайдардим. Ўн кундан бери мана шу формат ишлапмайсан. Ишонсангиз, бир ҳафтада ўн уч марта тезлик билан радарга тушиман, ортирганини жаримага тўладим”. Унга йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни кераклиги, шаҳар ичидаги чекланган тезликтан оширмаслини утирасам, бош чайқаганча: “Э, ака, белгиланган тезлика риоя қилсан, топгандаги ўзиги кам бўлади-да”, деди.

Кунаро инжимои тармоқларда “Фалон йўлнинг фалон километрига яқинда радар ўрнатилди, ёхтиёт бўлинглар” қабилидаги ҳаволаларга кўзимиз тушади. Булар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни тарғи этиш ёки ҳайдовчиларнинг бир-бирларини охолтанишиларни учун эмас, балки радарларга нисбатан нафрат ўйғотиш мазмун ва онгандаги кўйилётганини ачинираво.

Яна бир қизиқ воқеа: яқин дўстим бир йилдан кўпроқ АҚШда юшаб қайти. Ўғлинин чорлови билан борган бўса-да, уйда бекор ўтирайман деб ижарага енгил машинолиб, буюртма асосида хонадонларга овқат ташиби.

“Олти ой машина ҳайдадим, аммо бирор марта йўлларда полициячига дуч келмадим. Ҳамма жойига радар камералар ўрнатилган, жарималар ҳам салмоқли. Шунинг учун ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига қатъни риоя қилишга ўрганган. Ўн томонда машина ҳайдаганимда ойига икки-уч марта радарга тушардим, Америкада олти ой давомидаги бирор марта қоида бузмабман. Муҳитга кўнишиб шимга тўғри келди”.

Маълумки, радар камераларнинг йўл ҳаракатига оид қоидабузарликларни қайд қилиши ва жарима ундириши бўйича тегиши низом ишлаб чиқилган. Масалан, ўша радар камера кайд килган йўл қориаси бузилишини йўл ҳаракати хавфсизлиги маҳсус тизимига 48 соат ичидаги тақдим килмаса, бекор бўлиши кўрсатилган. Шунингдек, ҳайдовчи жаримани ўн беш кун ичидаги тўласа, 50 фоизлик чегирали беглигандаги Бундан ташқари, айнан радар камералар орқали қайд этилган қоидабузилишларни суд томонидан бекор қилиш ҳолатлари ҳам кўп учрайатти. Ёки яқиндан бери радар қайд қилган тезлика кўшимча 10 тезлик кўшиши ва буни қоидабузарлик деб тоғаслиларни тартиби ҳам

муҳомама қилинди. Бу тартиб фақат 60 тезлиқдан ошган дагина амал қиласи. Бу ҳам тўғри, негаки, 90 километр соат тезлик белгиланган йўлда 100 километр соат тезлиқда ҳаракатланган хайдовчига бу имтиёзи ҳеч қаочон кўллаб бўлмайди.

Шу билан бирга, ушбу янгиликнинг ўзига хос бир қатор камчиликлари борлигидан кўз юмб бўлмайди. Ахабланарлиси, беш-олти кундан бери кузатётган бўлсангиз, мамлакатимизда юзлаб ҳайдовчилар ўзларига бир йилча бурун содир этган қоидабузарликлар учун жарима қоғозлари келаётгани бўйича шов-шувлар кутилшишмод. Қизик томони, масъуллар шу вактгача кузатилмаган бу холат бўйича тушунтириш берил, 366 кун, яъни бир йил олдин содир килган қоидабузарлик учун юборилган хабар ҳакқондий бўлишини таъкидлашмокда. Хўш, унда ҳайдовчиларнинг жаримини муддатидан олдин 50 фоизлик чегирали билин тўлаш тартиби нима бўлади? Фуқаро судга мурожаат қилиши кераклини ёки қайсиридан масъулнинг хатоси сабаб юзлаб ҳайдовчилар вақтини суд маҳкамаларида ўтказишига мажбурмаси, деган савол ўтрага чиқаётir.

Барibir ҳар бир тизимда қатъий тартиб бўлмоғи шарт. Айниқса, инсон ҳаёти билан боғлиқ транспорт воситалари ҳаракатини назоратга олиш, тартиби солишида бу ниҳоятда муҳим жараён ҳисобланади. Биламизки, бевақт ҳайдётдан кўз юмётгани ёки бир умр ногирон бўйиб колишига маҳкум бирордарларимиз тақдирни ҳеч биримизга бегона эмас. Эртага бундай муддихи ёзук ҳар кимнинг бошига тушшиш эҳтимоли катта эканини унутмайлик.

Инжимои тармоқларда радарлар ҳақида салбий ҳаволаларни қарши фикр билдириганида каминангиз шахсига нисбатан қатор ҳақоратларга ёғилгани ҳеч эсимидан чиқмайди. Айтмолим-ёзганим шул: “Қирқ йилдан ошдики, енгил машинага ҳайдадим, аммо бирор марта йўлларда полициячига дуч келмадим. Ҳамма жойига радар камералар ўрнатилган, жарималар ҳам салмоқли. Шунинг учун ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига қатъни риоя қилишга ўрганган. Ўн томонда машина ҳайдаганимда ойига икки-уч марта радарга тушардим, Америкада олти ой давомидаги бирор марта қоида бузмабман. Муҳитга кўнишиб шимга тўғри келди”.

Демак, машинага ғулига ўтиради эканимиз, аввало узишида оиламиз ҳамда йўловчилар ҳаётини ўйламомизиз керак. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни шумурмиз лозим. Акс ҳолда, кимларнингдир (ва сизнинг ҳам) ҳайдигинизни сақлайдиган радарларни сўхишдан бошигиз чиқмайди.

Яратган эгамнинг “Сақланганини сақлайман!” деган ваъдасимия бор, унутмандаг-а!


**Рўзимбой ҲАСАН,  
“XXI asr” мухбири**

### ТАЛКИН

Икlim ўзгариши натижасида юзлар келётган кўргичлик, аномал ииссиқ ва совуқ, экин майдонларининг чекланганилиги, озиқ-овқатта бўйлган талабнинг ортиб боришни турли касалликларга бардошли, сифатли ва мўл ҳосил берувчи озиқ-овқат, дуккакли ўсимликлар навини яратишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда дунё бўйлаб дон маҳсулотларни тегишини борасидаги сўнгти ютуклар жуда катта аҳамиятга эга. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли талабини қондириши ва қишлоқ хўжалигини ривоҷлантиришига қаратилган ана шундай истиқболи лойиҳалардан бирни сифатида “Оқлаш жараёнинг математик модели” хисобланади. Донларни оқлаш – бу доннинг ташкини копкоги ва кўпайши органини ахратиши жараёни бўлиб, одатда донларни ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки донларни оқлаш жараёнида уларнинг тузилиши ва сифат кўрсаткичлари сезилилар даражада ўзгарили. Доннинг устки қатламларини оқлаш орқали унинг мустаҳкамлиги пасайди. Бу эса технологик жараёниларда электр энергиясининг камарик, сарфланишига олиб келади. Оқланган дон намни ўзига тез сингдиради. Шу билан бирга, унинг ўсимлиси урғуда жараёниларда оқибатда доннинг кул моддаси камайиб, микробиологик уруғланиш даражаси 4-5 барабарга тушади.

## МАТЕМАТИК МОДЕЛ: ХИРМОНГА БАРАКА, ИҚТИСОДИЁТГА ФОЙДА КЕЛТИРА ОЛАДИ...МИ?



Математик модель тузиш бу тизимни математик изоҳлаш учун ишлатиладиган абстракт мөтёрдир. Математик модель орқали маълум бир ходиса ёки жараёни формула ва боғла-

ратиш мумкин. Математик модельни тузиш жараёни 4 босичга бўлинидаги: биринчидан, модельнинг асоси объектларни боғловчи қонунларни шакллантириш; иккинчидан, модель ёрдамида математик масалаларни ечиш; уччинчидан, модельнинг назарияга мос келишини аниқлаш; тўртнинчидан, ўчловчи таҳлилини тақомиллаштириши.

Донли оралашмаларни оқлаш жараёнини оптималлаштиришда математик модель яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу модель орқали тажрибаларни сонини камайтириш, жараёнини соддалаштириш ва маҳсулот сифатини назорат килиш мумкин. Тажрибаларни режалаштиришда тадқиқот усулидан фойдаланилади. Бундай синовлар орқали жараёнини математик модель асосида текшириш ва оптималлаштириш мумкин. Сўнгра экспериментал қисмда турли дон навларининг оралашмасидан олинган уннинг сифат кўрсаткичлари, масалан, тушини, дон таркибида бўладиган оқсил модда микдори, қайшузвчанлик ва намлик микдори ўлчанди. Тажрибалар натижасига кўра, жавадар

ва буғдой турли навларининг аралашмаларидан олинган уннинг сифат кўрсаткичлари ўзгариши таъкидланади. Тажрибалар орқали олинган натижалардан фойдаланиб, математик модельни тузиш, регрессия тенгламаси ёрдамида жараёни оптималлаштириш ва маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш мумкин бўлди. Регрессия тенгламасидан ёрдами

# ПОЛВОНЛАРдан ПОЛВОНЛАР ТУҒИЛАРМИКАН?!

ЭЙ, ЁРОНЛАР, ҚАШҚАДАРЁ<sup>1</sup>  
ЭЛИДА БИР ПОЛВОН ЎТДИ,  
БИР ЧАВАНДОЗ ЎТДИ,  
ДОВРУГИ ДУНЁНИ ТУТДИ,  
АБДУМУМИН ПОЛВОН  
ДЕСА ҲАЛИ-ҲАЛИ ОДАМЛАР  
ХАЙРАТТА ТУШАДИ, ЮЗ,  
ЙЎҚ, БЕШ ЮЗ ЙИЛДАМ  
БУНДАЙ АБЖИР, ЧАЙР ВА  
ЧАПАНИ ЗОТ ТУФИЛМАСА  
КЕРАК, ЯНАЯМ БИЛМАДИМ...

Менга ота тарафдан яқин қариндош им бўлмиш бу полвонни, эсимни танибманни, факат от устида кўрганман. Қашқадарё полвонлар юрти, чавандозлар макони. Европа чемпиони Хушвақт Рўзикулов, жаҳон чемпиони Сайфиддин Ҳодиев, самбо ва дзюдо бўйича Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси ҳамда ҳаками Нормамат Йўдюшев, Бекназар полвон, Нафас полвон, Авилиёр чавандоз, Үрол полвон, Абдусаид полвон, Мавлон полвон, Қаландар полвон... (минг афсуски, авлод-ажходи от устида давру даврон суруб ўтган номи маълум ва номаълум минглаб чавандозлар орасида ҳозиргача бирорласи на чемпион, на бирор узвонга лойик кўрилган) бу рўйхат жуда узун, қай бирини санайн?..

Абдумумин полвон бир умр Китоб туманинг Чирокчига ҷегарадош бўлмиш Сарой қишлоғида яшади. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Қашқадарёни қўяверинг, Сурхону Самарқанд тарафларда ҳам шуҳрат қозонгани учун ҳали-ҳали кекса отахонлар, муҳлислар унинг чавандозлик бобида тенгизсиз бўлганини мақтаб юришиди.

Бошқа соҳаларни кўя турайлик, айниқса, спорт соҳасида афсоналар кўп эмас, аммо чавандозлик бобида Абдумумин полвонга тенг келдигани кам эканлиги босис афсонавий деган улкан ётироғи унинг шашнига муносиб кўрсан арзиди.

#### Файзула полвон Бердиёров:

- Менам ёш эмасман, 64 ёшли кирдим, лекин тан олиши керак, ҳали бу элда Абдумумин полвондай чавандоз ўтганини эслолмайман. Масалан, менинг ўзим юзини от милиб, даврага кирганини билмайман, баъзан мактабдан қочиб, қаерда кўпкарили тўй бўлса отамга эрганишиб кетаверганман. Ишонасизми, ўша маҳаллардаги кўпкарилар кўз олдимга келтирасм, кўркиб кетаман. Нега десангиз, ҳалолат қонун даражасида қадрланарди, ҳозиргидай тирамолик, таниш-билишичилик, тарафкашлик тасмаси, ёзуми, факат қўлда чопиб, кўрсатиб ташладими, тамом, тан бериларди.

Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди, энди даврага кирган маҳалларим қаерда бўйасин, кўпкарига Абдумумин полвон келиди деса, манаман деганнан ўзрок хувчублаб турар, ўтага киролмасди, деви бормиди унинг, билмайман, қўлидаги улоқни ҳеч ким тортиб ололмас эди. Бирор марта тирамолик килганини эшитмаганман. Шахсан мен у кишини ўзимга ҳакиқий узот деб билман. Куч-күдрати, жасурлигига ҳавас қилганман. Бугунгидай танлаб-тандаб от миниш қаёқда эди, тўғри келганини ўзи йўлга солиб оларди. Йашмайман, неча марта даккисини эшитганин, керак бўлса кулок-чаккамга ҳаммиси тушган, лекин бирор марта кўзига тик қарамаганман. Чунки тан берганиман-да.

Яна бир гапни айтиб берайин сизга: ҳозир бирор вилоятда деярли кўлланмаймайди, авваллари ғалати бир беллашув бўларди кўпкарида, бир неча чакрилмик масофага "корпа" кўйиларди, бир киши ўша жойга бориб бўлгли "байрак" кўтариб турар ва ҳакиқий, билагида кучи бор ва остидаги отим учкур, зўр бўлса улоқни курдан айриб, четтиргами ё бошча абжиркош чавандозга олдирмасдан олиб борсагина айтилган зот бериларди. Абдумумин полвон деганин бундай пайтада таний олмасди, билсангиз, унга тенг келадиган мартд топилмас эди. Агар ҳозир шундай қоидани бир кўллаб қўрсин баковуллар, ҳани уч кундамга маррага етолмайди мемман дегани. Афсуски, бундай полвонлар юз йилдаям кўяди: "Хой, полвонжонлар, эшитмадим

Файзула полвоннинг айтиган сўзларида муболага йўқ. Сабаби, унинг ўзим якун-иyllарда устозидан кам дувору таратмади, бугун ҳам от устида, юзлаб шогирдлари ортидан кеплатди.

Яна 70-80 йилларга қайтамиз. Айниқса, Қашқадарё, Сурхон ва Самарқанднинг айрим худудларида (чунки водий тарафларда бошқачароқ, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятига тутиш жойларда сиз янаяни ўзгачароқ усулларга амал қилинади) кўпкари бошланётган мажал баковул холис ва адолатли бўлса шу заҳоти ҳалиқчил талаб-шартларини кўяди: "Хой, полвонжонлар, эшитмадим



деманглар, катта зот айтаман, факат ҳалоташласан оласан! Чилвир-қайши йўқ, факат қўлдагиси ҳалол, чикимга чопасан, тамом!"

Бу сўзларни бежиз келтирмаяпман. Раҳматли Тогай Муроднинг қиссаларидаим ҳалолликни байрок, деб билган полвону чавандозни эли бошида кўтартган, тўғрими? Ҳаётдаям асли шундай эди-да. Кейин айниди курашу кўпкариларимиз...

Ҳозир кекса полвонлар даврасига тушиб қолсак, **ХАЛОЛ** деган сўз билан гирром ўтсанда деярли масофа қолмаганини афсусанини гапиришиди. Кураща иккى елка тегса, кўпкарида эса чавандоз улоқни факат қўйда, тақимда иштади ки чиқсанча сонрин-зот-солим берилши азалий "темир" қонди эди.

Қашқадарёлик таникли бир полвон укамиз яқинда ёзигирб қолди: "Бошқа жойларни айтмайман, аммо биз тарафларда ҳозир тақимда чоламан деган чавандознинг кўли улоқ-такага иккى дунёдаги тегмайди, кўччилик ҳаммада бор, яна денг беш-олтигати гурух бўлиб бирлашиб, факат ўз одамларни химоя қилиб турди, бегона чавандоз камдан кам даврага кира олади. Лекин байзан жуда кучли полвон бўлса ҳар қандай тўсикларни ёриб ўтиши мумкин. Яна бир аламли томони, ишониб қўйилган баковуллар ҳам "сотиялти", сал кўли теккан, ўзини ё дасти узун бадавлаткор отбозларнинг туппорини чопаётган чавандозга ён босиб юборяти, инсоф қолмади"...

Тагин Абдумумин полвонга қайтаман. Кон-қариндош, қолаверса, акам билан дөвр-дармён кўшини бўлгани учун ҳар ғал қишлоққа борсам, гурнуга чорлардим. Негаки, полвон деганин дунё кўрган одамлар эмасми, қаҷон, қаерда қандай тўй-томоса, кураш-кўпкарида ким голиби ким мағлуб бўлгани, қайсирий бойнинг чопири оти неча юз минг долларга сотилгани ёки аксинча, полвонлар ўтрасида арзимаган баҳонада тортишув-низолар чиққани... хуллас, тонготаргача сұхбатлар кизиб кетарди.

Барбир полвонни зимдан кузатиб ҳайрон қолардим: ўзимизга ўшаган ўтга бўйли, озинг, негадир баъзи бир барзанг чавандозларга ўхшамасди-о, аммо саломлашса, одамнинг кўлини синидриб юборада дараждага кучли сикиб кўришар эди. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонинг, ёнганимизда жуссаси ўзимиз қатори бўлиб кўринган одам... отга минганидан кейин куз олдингизда бутунлай бошқа бир, яъни за-

бардаст, қоруви, жангари чавандоз киёфасида пайдо бўлар эди! Кўзларимга ишонмасдим. Балки полвон зотининг отта минса, даврага тушса, иккى елкасида қаноти пайдо бўлади, деганларни шудир. Шунинг учун ҳам ҳозирганига Абдумумин полвоннинг қайси кишлоқдаги тўйда қандай улоқни айиргани, ҳатто оти билан баланд жарликдан кулаган бўлса-да, яна мардларча кўкрак кериб, 60-80 килоли такани ўтрга тақимдан ташлаганини кўрсинган гапиришиди.

Эслайман, полвон бобомиз етимидан ўтган маҳаллари кўзлари сал хиралашиб қолган бўлса-да, қаерда каттароқ кўпкари борлигини эшитса, тамом, болалари, отажон, энди кийналасиз, узоқ ўйл, ийқилиб-нетиб юрманг тагин, ўзимиз машинада олиб боришим, десалар ҳам, бариб кўл силтаб, шартта отни эгарлаб жунаబ кетарди.

"Баъзан у билан кўришиб қолсак, "Сизин билмадид Нафас ака, лекин мен ҳалиям беихтиёр ҳаммани тишилаб сурдовга кирбек кетгим" деб, яна денг беш-олтигати гурух бўлиб бирлашиб, факат ўз одамларни химоя қилиб турди, бегона чавандознинг кўли улоқни оҳанрабоси бор-да", деб хотирлайди Чирокчига тумандаги Дағтоси ўтилган ўтсанда иштади ки чиқсанча сонрин-зот-солим берилшиди. Лекин тўхисларга ҳам раҳмат, бизларни таҳоматни кўпчилик олиб боришим, десалар ҳам, бариб кўл силтаб, шартта отни эгарлаб жунаబ кетарди.

Баъзан у билан кўришиб қолсак, "Сизин билмадид Нафас ака, лекин мен ҳалиям беихтиёр ҳаммани тишилаб сурдовга кирбек кетгим" деб, яна денг беш-олтигати гурух бўлиб бирлашиб, факат ўз одамларни химоя қилиб турди, бегона чавандознинг кўли улоқни оҳанрабоси бор-да", деб хотирлайди Чирокчига тумандаги Дағтоси ўтилган ўтсанда иштади ки чиқсанча сонрин-зот-солим берилшиди. Лекин тўхисларга ҳам раҳмат, бизларни таҳоматни кўпчилик олиб боришим, десалар ҳам, бариб кўл силтаб, шартта отни эгарлаб жунаబ кетарди.

Тагин Абдумумин полвонга қайтаман. Кон-қариндош, қолаверса, акам билан дөвр-дармён кўшини бўлгани учун ҳар ғал қишлоққа борсам, гурнуга чорлардим. Негаки, полвон деганин дунё кўрган одамлар эмасми, қаҷон, қаерда қандай тўй-томоса, кураш-кўпкарида ким голиби ким мағлуб бўлгани, қайсирий бойнинг чопири оти неча юз минг долларга сотилгани ёки аксинча, полвонлар ўтрасида арзимаган баҳонада тортишув-низолар чиққани... хуллас, тонготаргача сұхбатлар кизиб кетарди.

Кизик, мен ҳам болалигимдан бери спортга, кўпроқ кураш ва кўпкарига баҳоли курдат қизикканин туфайли бўлса керади, юзлабномада кулаган бўлса-да, яна дарёдаги кишиларни салаб, маҳзон оҳанда: "Э, оғайнинжон, сизам одамди жон жоҳидан ўшлайсиз-да, мени шу ўшишмагча қийнаб келтиётган битта армоним шу. Худо бермаса кийин экан, балки энди невара-чеваралардан чиқар, аммо шогирдларим бор, улардан кўнглил тўк" деб кўйди...

Ўн бир фарзандни тарбиялаб вояга етказган ва бугун бир маҳалларни тўлдириглини невара-чеваралари ўсиб-улгагётган полвон бобомиздан бир куни гурунгимиз орасида, "Негадир болаларингиз ичидан кўли тақага етгулиб, бирор ворис чикмади-я" десам, сенки соқолини силяб, маҳзон оҳанда: "Э, оғайнинжон, сизам одамди жон жоҳидан ўшлайсиз-да, мени шу ўшишмагча қийнаб келтиётган битта армоним шу. Худо бермаса кийин экан, балки энди невара-чеваралардан чиқар, аммо шогирдларим бор, улардан кўнглил тўк" деб кўйди...

Кизик, мен ҳам болалигимдан бери спортга, кўпроқ кураш ва кўпкарига баҳоли курдат қизикканин туфайли бўлса керади, юзлабномада кулаган бўлса-да, яна дарёдаги кишиларни салаб, маҳзон оҳанда: "Э, оғайнинжон, сизам одамди жон жоҳидан ўшлайсиз-да, мени шу ўшишмагча қийнаб келтиётган битта армоним шу. Худо бермаса кийин экан, балки энди невара-чеваралардан чиқар, аммо шогирдларим бор, улардан кўнглил тўк" деб кўйди...

– Чавандозлар-ов! Гапимни ўнг қулоғинг билан-да, чап қулоғинг билан-да, эшитиб ол! Чилвир солма – бир! Бир-бировингни ёмон гап билан сўкма – икки! Қамчи солма – уч! Йиқилган чавандоз устига от солма – тўрт! От қочганда ушлашга ёрдам бер – беш! Ол, ха, ол!

**Тоғай МУРОД**

(“От кишинаган оқшом” қиссанидан)

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –

O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Таҳир ҳайъати:

Акмат ХАИТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Мавлуда ХўЖАЕВА

Сирожиддин САЙЙИД  
Дилшод ШОУМАРОВ

Нодир ЖУМАЕВ  
Мадина БАРОТОВА  
Равшан МАМУТОВ

Таҳирият манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус чўчаси 73°-й.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru

телефонлар:

кабулхона –  
71 215-63-80  
(төл/факс).

Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуат ва ахборот  
агентлиги (хозирги ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳурургидаги Ахборот ва  
оммавӣ коммуникациялар агентлигига 2011 йил  
14 ионда 0009-ротам билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашириёт-матбоба акциядорлик  
компанииси босмаҳонасида ноп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон чўчаси 41-й.

Газета